

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХИДИРОВА ГУЛЬНОЗА ОЗОДОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОПАРАТИРЕОЗДА НАЙСИМОН СУЯКЛАР
СУЯКЛАНИШИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ**

14.00.02 - Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)

Хидирова Гульноза Озодовна

Экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар

суякланишининг морфофункционал тавсифи..... 3

Хидирова Гульноза Озодовна

Морфофункциональная характеристика окостенения

трубчатых костей при экспериментальном гипопаратиреозе..... 21

Khidirova Gulnoza Ozodovna

Morphofunctional characteristics of tubular bone ossification

in experimental hypoparathyroidism..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХИДИРОВА ГУЛЬНОЗА ОЗОДОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОПАРАТИРЕОЗДА НАЙСИМОН СУЯКЛАР
СУЯКЛАНИШИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ**

14.00.02 - Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1133 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Миршаропов Уткур Миршаропович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўш давлат университети**
(Қирғизистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда таянч-харакат тизими (ТХТ)нинг туғма ва орттирилган касалликлари барча патологик ҳолатлар орасида энг кўп тарқалган хасталиклар қаторига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра локомотор патологиялар ер юзи аҳолисининг 75% ида кузатилади. Бу кўрсаткич кўпчилик олимларнинг илмий манбаларда акс эттирилиб, қатор илмий натижалар баён қилинмоқда. Этиологик жиҳатдан ушбу касалликларга «...тараққиётнинг дастлабки давридаги тератологик ҳолатлар, шунингдек постнатал хавф омиллари ҳамда айрим биомеханик такомиллашув механизмларининг жароҳатлар туфайли издан чиқиши сабаб қилиб кўрсатилади...»¹. Шубҳасиз, ушбу ҳолатлар ўсувчи организм учун онтогенетик жараённинг кейинги даврларида салбий оқибатларга, яъни, чуқур деформациялар ривожланишига олиб келиши, кейинчалик бутун организмнинг функционал ва морфофункционал ҳолатига таъсири натижасида таянч ҳаракат тизими касалликларининг ривожланиши, нуқсонлари ва қатор ўзгаришлар билан тананинг косметик нуқсонларни шаклланишининг асосини яратади. Шу сабабли экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал тавсифининг ўзгариши натижасида ривожаланадиган ўзгаришларнинг хавфини олдини олиш хасталиқни ташхислашнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал тавсифи гипопаратиреоз таъсирида суякланиш параметрларини морфофункционал тавсифлаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, эндхондрал суякланиш жараёнида морфологик тузилмаларнинг экспериментал гипопаратиреоз чақирилган каламушларда кузатувнинг турли муддатларида морфологик ўзгаришларини ҳамда тажрибада остеоген элементлар тузилишидаги ўзгаришлари даражаси ва бу ўзгаришларнинг суяк тузилишида морфологик намоён бўлишини баҳолашни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда. Фармокологик коррекция қилинган гипопаратиреоз шароитида дифференциаллашаётган тоғайларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларни таҳлил қилиш ва суякларнинг турли соҳалари, яъни эпифиз, метафиз ва диафизларида тоғай, суяк ва суяк усти пардалари хужайравий таркибининг суякланиш интенсивлигидаги аҳамиятини баҳолаш ҳамда кузатиладиган морфологик ўзгаришлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва шаклий ўзгаришларни олдини олишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фундаментал тадқиқотларни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан

¹ Buenzli P.R., Sims N.A. Quantifying the osteocyte network in the human skeleton. Bone 75: 144 –150, 2015

ўсувчи организмда ТХТ патологияларини ривожланишига олиб келувчи ҳавф омилларини қайд этиш ва тарқалишини камайтириш, болалар орасида диспластик деформациялар кузатилган беморларни аниқлаш ва улардаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...жойларда аҳоли орасида тиббий профилактик тадбирлар сифати ва самарадорлигини оптималлаштиришга эришиш ва рақобатбардош халқаро стандартларни касалликларни олдини олиш, даволаш ва реабилитация жавҳаларида жорий этишда юқори технологик усулларини қўллаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда болалар орасида таянч ҳаракат тизимининг аномалияларининг олдини олиш ва самарали даволаш тизимини яратиш, экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш ва бартараф этиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал тавсифини турли ўзгаришларни узоқ (Bassett J.H., et all 2010; Cardoso L.F., Maciel L.M., de Paula F.J., 2014; Javed Z, Sathyapalan T.2016; Junguee Lee., et all 2016) ва яқин хориж (Родзаевская Е.Б., 2002; Труш В.В., Соболев В.И., 2003; Nikishin D.V., 2010; Оганян А.В., 2010; Ночевная Л.Б., Павленко О.А., Калинина О.Ю., Столяров В.А., 2011; Мехоношин Е.П., 2012; Камиллов Ф.Х., ва бошқ., 2018) олимлари илмий адабиётлари шарҳининг кўрсатишича, гипопаратиреоз таъсирида ривожланиш аномалиялари ва туғма патологиялари этиологияси ҳамда таянч ҳаракат тизими шикастланишининг

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони. Lex.uz.

патоморфологик моҳияти ҳозиргача аниқ ўрганилмаган. Афсуски, чоп этилган манбалар гипопаратиреознинг таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди. Постнатал онтогенезнинг турли даврларида таянч ҳаракат тизими тузилмаларининг динамикада морфологик ривожланиши, гипопаратиреоз таъсирида энхондрал суякланиш тузилмаларининг ёш даврларидаги шаклланиш механизмлари, эрта постнатал даврларда гипопаратиреоз ҳолатининг коррекция қилиниши фонида суякланиш интенсивлигининг суяклар постнатал ривожланиш динамикаси ҳақида асосланган тасаввурлар йўқ. Гипопаратиреозда гипокальциемия ҳолатини стабилловчи фармакологик коррекция қилишнинг бола таянч ҳаракат тизими постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири аҳамияти ҳам маълум эмас. Тиббиётнинг бу долзарб муаммоларини ўрганиш, шубҳасиз, катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда эндокрин етишмовчилик таъсирида таянч ҳаракат тизими туғма ривожланиш нуқсонларининг морфологик кўрсаткичларини баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Азизов М.Ж. ва бошқ., 2010; Рахимов К.Р., 2001; Исмаилов С. И., 2004; Ахмедов Ш.М., 2016; Миршаропов У.М., Ахмедова С.М., 2018), аммо энхондрал суякланиш параметрлари ва гипопаратиреоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифи ўрганилмаган.

Таъкидлашимиз жоизки, режалаштирилган тадқиқот иши ташхислаш-даволаш стандартларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга татбиқ этишга бағишланади. Бугунги кунда найсимон суякларнинг энхондрал суякланиши ва гипопаратиреоз таъсиридаги морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш ва бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш тизими яратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №001873 «Таянч ҳаракат тизимининг постнатал тараққиётига гормонал омиллар таъсирининг структур асослари ва механизмини баҳолашни такомиллаштириш» (2018–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади постнатал онтогенез даврларида экспериментал гипопаратиреоз таъсирида найсимон суяклар суякланиш жараёнининг морфологик хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида назорат жониворлар найсимон суякларида суякланиш жараёнини морфофункционал ўзгаришларини баҳолаш;

экспериментал гипопаратиреоз таъсирида найсимон суякларнинг проксимал ва дистал метаэпифизлар ҳамда диафиз сохаларининг морфологик шаклланишларини солиштирма баҳолаш;

найсимон суякларнинг турли сегментлари дифференциаллашувининг меъёрий ва ЭГПТдаги солиштирма морфометрик баҳолаш;

гипопаратиреоз ҳолати фармакологик коррекция қилинган шароитда энхондрал суякланишнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларини таҳлил қилиш;

эксперимент давомида найсимон суяклар бўйлаб ёш даврлари бўйича тоғай ва суяк майдонининг ҳажм улуши динамикаси кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 10 та жинсий етук урғочи ва 3 та эркак лаборатор каламушлар олиниб, кўпайишга шароит яратилди, тана вазни ($218 \pm 21,2\text{г}$). Физиологик кўпайтириш натижасида жами 86 та бола каламушлардан, назорат ва тажриба гуруҳлари жами 75 та каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини экспериментал жониворларнинг найсимон суякларидаги тоғай ва ҳосил бўлган суяк тўқималарида ўтказилган морфологик ва лаборатор тадқиқот материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда макроскопик, гистологик, гистокимёвий, морфометрик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гипопаратиреоз чақирилган каламушлардан найсимон суяклар анатомик тузилмаларининг постнатал шаклланиши хусусиятлари комплекс тарзда морфологик таҳлил қилинган;

экспериментал гипопаратиреознинг ўсаётган организмнинг найсимон суяклар структураларининг постнатал ўсиши ва суякланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

найсимон суяклар хужайраларнинг дифференциацияланиши ва функционал бузилиши билан бирга кечганлиги, хондроцитлар дифференциацияланишининг секинлашиши натижасида ўсиш суръатининг орқада қолиши кўринишларида намоён бўлиши исботланган;

гипопаратиреоз чақирилганда энхондрал суякланиш суръати сезиларли пасайиши, мукамал суяк архитектоникаси, суяк устунчалари ва уларнинг хужайра колониялари параметрларининг камайиши аниқланган;

гипопаратиреоз чақирилган каламушларда гипокальциемия ҳолатини Д-кальцин препарати билан коррекциялаш гипопаратиреознинг салбий таъсирини сезиларли пасайиши, найсимон суякларнинг постнатал ривожланиши ва суякланиши жараёнларининг мўтадиллашишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

экспериментал гипопаратиреознинг ўсаётган организмнинг найсимон суяклар структураларининг постнатал ўсиши ва суякланишига салбий таъсир кўрсатиши баҳоланган;

гипопаратиреоз негизида ички муҳит ва суяк тўқимаси орасидаги минераллар алмашинувининг ўзгариши суякланиш жадаллиги морфологик динамикасига аҳамиятли таъсири тизимлаштирилган;

суякланиш нукталари ва уларнинг морфофункционал кўрсаткичларининг рақамли катталикларда ифодаланиши суякланиш жараёнларига таъсирни белгиланган;

найсимон суяклар деформациялари шаклланишининг патогенетик механизмларини ҳамда гипопаратиреозда суякланиш босқичларининг интенсивлигини баҳолашда ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, биокимёвий, гистокимёвий усулларни баҳолаш ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал ҳолатини тавсифлашни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гипопаратиреознинг турли муддатларида найсимон суякларнинг энхондрал суякланиши билан боғлиқ назарий маълумотларни кенгайтириш, ўсувчи организмдаги гипопаратиреоз ҳолати постнатал онтогенезнинг эрта даврларида ва кейинчалик турли ёш даврларидаги ривожланиш механизмлари очиш, суякларнинг турли сохаларида энхондрал суякланиш интенсивлигини морфологик ва морфометрик асослашнинг назарий механизмларнинг ўрни ва методологик услуби такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти найсимон суякларда шаклий ўзгаришларнинг ривожланишига ўсувчи организмда гипопаратиреоз ҳолати, шунингдек, суякланиш босқичларини ўзгарганлиги туфайли морфофункционал мезонларни ишлаб чиқиш, экспериментал гипопаратиреознинг антинатал ва постнатал даврларда коррекция қилиниши шаклий ўзгаришларнинг яққол кўзга ташланишининг олдини олиш имкониятларини яратиш ҳамда экспериментал гипопаратиреознинг давомийлиги ортиб бориши билан суяклардаги тоғай тўқимасининг дифференциаллашуви бузилишининг тўғри пропорционаллигини баҳолаш тизимининг амалий аҳамиятининг ўрни асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипопаратиреоз таъсирида найсимон суякларнинг суякланиш механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экспериментал гипопаратиреоз оқибатида найсимон суякларнинг морфологик ўзгаришлари бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гипопаратиреознинг энхондрал суякланиш жараёнларига таъсирини морфологик баҳолаш услуби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6

майдаги 8н-р/384-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гипопаратиреоз ҳолати аниқланганда суякланиш жараёни жадаллигини пасайишини аниқлаш ва бошқа морфологик ўзгаришлар билан дифференциаллаш, экспериментал гипопаратиреоз таъсирида суякланиш жараёни найсимон суякларнинг эпифиз, метафиз ва диафизда морфологик ўзгаришлар келиб чиқиши ҳамда бу ўзгаришларнинг суяк деформациясига олиб келишини фундаментал асослаш имконини берган;

экспериментал гипопаратиреозда найсимон суяклар суякланишининг морфофункционал тавсифи бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Академик Ё.Х.Туракулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали, Андижон вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 8н-д/162-сон маълумотномаси). Натижада ўсаётган организмда ТХТ аъзоларининг патоморфологик ўзгаришларини коррекциялашда, улардаги постнатал ўсиш ва шаклланиш жараёнларини бошқаришда, морфофункционал бузилишларнинг олдини олишда, шунингдек, гипопаратиреоз таъсирида тизимнинг нуқсонли ривожланиши ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган деформациялар прогнози ва профилактикасида, ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳамда асоратларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Суякланиш жараёнларида морфологик шаклланиш динамикаси ва гипопаратиреоз таъсиридаги ўзгаришларига доир замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобда хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг ушбу муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва қалқон олди безнинг функционал морфологияси ҳақида даврий маълумотлар, найсимон суякларнинг суякланиши ҳамда постнатал ривожланиши ва шаклланишининг хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ушбу муаммоларнинг ечими топилмаган, аниқлаштирилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган ва уларни ечиш учун тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг **«Экспериментал гипопаратиреознинг найсимон суяклар суякланишини морфофункционал баҳолашнинг материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг материал ва услублари батафсил баён қилинган. Тадқиқотни амалга ошириш учун информатив морфологик усуллар мазмуни ва фойдаланилган экспериментал материаллари келтирилган. Ишда қўйилган вазифаларни ечимини топишга қаратилган замонавий ва информатив усуллар, етарли миқдордаги биопсия ва экспериментал материаллар билан тадқиқотлар олиб борилган. Боб 2 та параграфдан иборат бўлиб, текшириш материаллар ва қўлланилган морфологик усуллари батафсил ёритилган.

Илмий иш катта ҳажмдаги материалда олиб борилган. Тадқиқотда вазифаларини амалга оширишда макроскопик, микроскопик текширишлар асосида гистологик, гистокимёвий, морфометрик усулларини ўтказишда Ван Гизон, гемотоксиллин-эозин, толуидин кўки, ШИК реакцияси, шунингдек биокимёвий усулларда гормонлар тахлили, минераллар алмашинуви кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган. Айниқса, гипопаратиреоз моделини хирургик усулда чақирилиши, ишга ўта аниқлик билан ёндошилганлигини ифодалайди.

Гистологик тадқиқотлар учун каламушларнинг найсимон суяклари тўқималар комплекси ажратиб олинди. Найсимон суяк комплекси асосан суяк, тоғайлар, суяк усти ва тоғай усти пардалари ва суякнинг ташқи элементларини механик жароҳатламаслик учун суяк апофизлари унга ёпишган юмшоқ тўқималар билан биргаликда ажратилди. Олинган бўлакчалар 10 % нейтрал формалинда 7 кун давомида қотирилиб, сўнгра 1,5 – 2 соат давомида спиртнинг ўсиб бориш ўткирлигидаги эритмаси (50%, 70%, 96%, ва 100%) орқали сувсизлантирилиб, парафин қуйилди ва 5 – 6 микрон қалинликда кесимлар тайёрланди. Олинган кесимлар гематоксиллин – эозин, пикрофукцин ёрдамида Ван Гизон усулларида бўялиб, шунингдек

гистокимёвий бўйаш усулларида толуйдин кўки ва ШИК-реакцияси кўлланилди.

Тадқиқот давомида суяк, тоғай, пишиқ бириктирувчи тўқимадан иборат суяк усти ва тоғай усти пардалари ва кўрув майдони бирлигида ҳужайралар ядролари миқдори саналди. Назорат учун олинган гистологик препаратларда худди шу кўрсаткичлар ёш даврлари динамикаси бўйича солиштириб борилди.

Гипопаратиреоз таъсирида ва назорат каламушларидагига қараганда ўзаро морфометрик муносабати сезиларли фарқ қилиши кузатув даврларида динамик фарқ қилиши аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тафовут нафақат назорат каламушлари билан солиштирилганда, балки эксперимент даврларининг (14-30; 30-45; 45-60) кўрсаткичларини ўзаро солиштирганда ҳам морфометрик параметрлар силжиш аънаси сақланганлиги ўзаро фарқларнинг статистик аҳамиятлилиги $P \leq 0,005$ эканлиги билан ўз исботини топади. Морфометрик тадқиқотлар Автандилов Г.Г. [1990] усулида ўлчаниб, Axiovision (Россия, Узоқ Шарқ) дастурида қайта ишлов берилди. Чизикли морфометрия усулида ўлчашлар Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази лабораторияси компьютер дастуридан фойдаланиб ўтказилди.

Қон зардоби таркибида электролитлар Ca, P, Mg HUMAN (Германия) колорометрик жамланмасидан фойдаланиб аниқланди. Суякнинг резорбция маркери – ишқорий фосфатаза ва ремодуляция маркери - β -CTX “ELISA” фирмаси реагентлари ёрдамида “Shohruh Biznes Plus” ООО лабораториясида ўрганилди.



Тадқиқотлар натижасида олинган морфологик маълумотлар Pentium IV компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурли статистик ишловлар функцияси ўрнатилган пакети воситасида олиб борилди. $P \leq 0,05$ бўлганда, фарқлар ишонарли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг - «**Найсимон суяклар суякланишининг меъёрий ва экспериментал гипопаратиреоздаги солиштирма ўзгаришлар динамикаси**» деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари тахлили баён қилинган. Ушбу бобда дастлаб “Назорат гуруҳи каламушларида суякланишнинг морфологик манзараси” қисмида солиштириш учун танланган аналогик ёш даврларидаги жониворларда суякланиш жараёнига хос бўлган морфологик ўзгаришлар динамикаси келтирилган.

Суяк компакт қават трабекулалари бир-бирига йўналиб, ғовак қисм томон бирлашиб суяк устунчалари ҳосил қилган. Ушбу устунлар кузатув даврларида зичлашиб ҳажми ингичкалашиб боради (1-расмга қаранг). Устунчаларнинг кенгайган жойида шохланиши ёки бурилиши хос. Кузатувнинг 30-45 кунларига келиб суяк бўшлиқлари кенгайиб, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ортиб борганлиги кўринади. Суяк ремодуляцияси

хужайра копуляциясида остеокласт хужайралари салмоғининг ортганлигидан далолат беради.

Диафиз суяк тасмаси остида жойлашган тоғай тузилманинг ташқи қаватида ёш хондроцитларнинг изоген гуруҳлари сийрак жойлашиб, улар оралиғидаги матрикс гомогенлашган. Навбатдаги қаватни ҳосил қилган хондроцитлар гипертрофияга учраб, уларнинг ядролари хиралашиб, базофиллигини йўқотган. Ички қаватда эса хондроцитлар пуфак шаклига кирган, лекин миқдори кескин камайган. Улар оралиғида минераллашган тоғай матрикси аниқланади. Умумий хондроцитлар жойлашиши манзарасини хаотик деб баҳолаш мумкин (2-расмга қаранг).



1-расм. 3 ойлик соғлом каламуш суяги препарати, ГЭ. К. 400. Суяк устунчалари ва бўшлиқлари шаклланиши

2-расм. Энхондрал суякланиш. ГЭ. К. 400. 1-найсимон суяк диафизидида суякланиш тасмаси; 2-хондроцитларнинг изоген гуруҳлари оралиғи; 3-тоғай гомоген зоналари; 4-гипертрофиялашган тоғай қавати тартибсиз кўриниши; 5-пуфаклашган тоғай қатлами; 6-минераллашган тоғай соҳалари билан алмашилиб жойлашган; 7- кўриш майдонининг энг пастки қисмида шаклланаётган суяк устунчалари кўринади.

Параграф сўнгида эса экспериментал моделда параллел равишда Д-кальцин препаратини даволаш мақсадида морфологик ўзгаришларнинг динамикаси таҳлил қилинган.

Бўйлама кесимларда диафизнинг ўрта қисмидан олинган препаратларда турли интенсивликдаги бўйлаш мозаик кўринишни олган. Алоҳида мозаик соҳалар ўзаро алмашилиб жойлашган бўлиб “доғсимон” бўлиб кўринади. Компакт суяк моддасида остеопароз белгилари пайдо бўлиб суяк устунчаларида сийраклашиш аломатлари аниқланади ва кўриш майдонида компакт модда майдони кичрайиб боради.

Мозаик кўринишни олган чизиклар бўйлаб суяк тўқимасининг атрофик соҳалари аниқланади. Буларнинг барчаси суяк тўқимасининг чуқур морфофункционал қайта қурилишини акс эттиради. Диафиз қисми

зич тўқимасида суяк ҳужайраларининг кам учраши аҳамиятсиз бўлсада, кузатилади. Остеокластларнинг резорбтив фаолияти натижасида суяк илик канали кенгайиб боради. Суяк тўқимасида оралиқ модда камайиши аниқланади.

Найсимон суяклар тоғай тўқимасининг гистокимёвий текширишлар натижасида гипопатиреоз таъсири замирида, тоғай матриксида ШИК позитив реакция ўчоқларининг ортиб бориши изоген хондроцитлар атрофи бўйлаб грануляциялар аниқланади. Ушбу манзара нейтрал полисахаридларнинг тоғай матрикси бўйлаб периферик томон ёйилишини кўрсатади. Шик позитивлик гипопаратиреоз таъсирида кузатувнинг кечки даврларида (45-60 кун) янада яққоллашиб бориши кузатилди.

Толуидин кўки билан бўялган кесимларда нордон полисахаридларга реакция сезиларли сустиги тоғай матриксининг барча зоналарида бир хилда тарқалганлиги аниқланади.

Солиштириш учун танланган назорат гуруҳи каламушларида паратгормон миқдори ўртача $17,3 \pm 0,18$ нг/мл ни ташкил этди. Паратиреэктомиядан кейин кузатув даврларида бу кўрсаткич $12,8 \pm 0,04$ нг/мл гача пасайиб бориши аниқланган. 3-гуруҳда эса қонда кальций миқдорининг ортиб бориши натижасида ПТГ сарфи камайган ва оқибатида ПТГ миқдори $15,7 \pm 0,14$ нг/л гача кўтарилиши аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Паратиреэктомия амалга оширилган каламушларда назорат жониворлари кўрсаткичларига нисбатан тескари боғлиқлик кузатилди. Айниқса, минераллар алмашинувида экспериментнинг 45 – 60-кунларида мос равишда Са- $1,98 \pm 0,008$ ва $1,88 \pm 0,006$ ммоль/л; Р- $1,59 \pm 0,006$ ва $1,5 \pm 0,007$ ммоль/л; Mg- $0,7 \pm 0,004$ ва $0,65 \pm 0,007$ ммоль/л гача пасайиши кузатилади. 3-гуруҳ жониворларида эса бу кўрсаткичларнинг кузатув даврлари сўнгида кўтарилиб бориш динамикаси кузатилди. Бунда 60-кунга келиб умумий кальций миқдори $1,85 \pm 0,37$ ммоль/л гача ортган бўлса, Mg миқдори $0,72 \pm 0,045$ ммоль/л гача; Р миқдори эса $1,65 \pm 0,036$ ммоль/л га етади.

Эндхондрал суякланиш маркерлари кўрсаткичларида ҳам аналогик манзара аниқланди. Ишқорий фосфатаза кўрсаткичи назорат жониворларида ўртача $6,3 \pm 0,27$ МЕ/л миқдорида бўлса, гипопаратиреоз чақирилган жониворларда кузатувнинг 15 - кунида $6,1 \pm 0,25$, 30 - куни $5,7 \pm 0,22$, 45 - куни $5,1 \pm 0,13$, 60 - куни $4,9 \pm 0,11$ МЕ/л миқдорда эканлиги кузатилди. Фармакологик коррекция натижасида ушбу кўрсаткич кузатув даврларининг 60-кунига келиб сезиларли ортанлиги аниқланди ($5,8 \pm 0,19$ МЕ/л; $P \leq 0,01$).

Кузатув даврларида гипопаратиреоз таъсирида макроэлементлар ва суякланиш маркерлари
кўрсаткичларининг динамикаси (даволаш ва даволашсиз)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Гипопаратиреоз (n=33)					Гипопаратиреоз+Д-кальцин				
		15-кун	30-кун	45-кун	60-кун	15-кун	30-кун	45-кун	60-кун		
Са умум., ммоль/л	2,27±0,043	1,98±0,32*	1,82±0,23**	1,56±0,13***	1,62±0,14*	1,68±0,16*	1,72±0,18*	1,85±0,37**			
P, ммоль/л	1,78±0,038	1,68±0,031*	1,52±0,028*	1,48±0,021***	1,5±0,025*	1,59±0,031**	1,61±0,034*	1,65±0,036			
Mg, ммоль/л	0,83±0,051	0,78±0,041	0,62±0,036**	0,55±0,032**	0,58±0,033	0,64±0,38	0,67±0,041	0,72±0,045**			
Ишқорий фосфотаза, МЕ/л	6,3 ± 0,27	5,7±0,22**	5,1±0,13**	4,9±0,11**	5,0±0,13	5,2±0,16*	5,5±0,18**	5,8±0,19**			
Паратормон, нг/мл	17,3 ± 0,18	15,2±0,12*	14,6±0,08*	12,8±0,04**	13,1±0,05**	13,8±0,09	15,1±0,13**	15,7±0,14**			

Изох: * - P≤0,05, ** - P≤0,01, *** - P≤0,001 бўлганда кўрсаткичларнинг меъерий даражалар билан ишонarli фарқи деб ҳисобланди.

Гипопаратиреоз моделида экспериментнинг дастлабки кузатув даврларида (15-30-кун) Са, Р, Mg кўрсаткичлари статистик аҳамиятли ($P \leq 0,05$) пасайиши хос бўлса, экспериментнинг кейинги даврларида меъерий кўрсаткичларлардан икки томонга, яъни қарама қарши (гипокальциемия ва гиперфосфатэмия) томон силжиганлиги маълум бўлди (мос равишда $2,22 \pm 0,007$; $2,88 \pm 0,01$; $0,93 \pm 0,007$).

Экспериментал тадқиқотларимизда гипопаратиреозда Д-кальцин дори воситасининг қўлланилиши натижалари коррекция танловининг самарали эканлигини морфологик ва биокимёвий жиҳатдан исботланди.

Диссертациянинг **“Экспериментал жониворлар найсимон суякларининг морфометрик ўзгаришлар динамикаси”** деб номланган тўртинчи бобида морфометрик кўрсаткичлар илмий тахлили келтирилган. Каламушлар найсимон суяклари суяк усти пардасида ташқи қаватнинг юпқалашиб ($16,3\%$ га), ташқи ва ички қаватлари орасидаги чегаранинг нотекислиги аниқланади. Ушбу тўқимада якка ҳолда фибробластлар ва эластик толалар учрайди. Остеоген хужайралар эса фаоллиги пасайиб кам пролиферацияга учраган. Хужайралар орасидаги митоз аломатларига эга хужайралар жуда кам учрайди. Бўялиш интенсивлиги юқори соҳалар оч бўялган соҳалар билан алмашилиб жойлашиб мазкур соҳаларда деструктив ўзгаришлар кузатилади. Бу эса кальций алмашинувининг издан чиқишини ифодалайди.

Эпифизар гиалин тоғай қатлами кузатувнинг 15-кунида назорат жониворларига нисбатан ўртача 4 мкн юпқалашганлиги ҳамда бу даврда хондроцитларнинг ҳажм улуши жуда катта фарқ билан ўзгармаганлиги маълум бўлди (ўртача 1 % атрофида). Ушбу кўрсаткичлар 30-кунга келиб бироз силжиши, яъни ГТҚ $316 \pm 12,2$ гача пасайганлиги, лекин ХХУ тескари 6.8% га ортганлиги аниқланди. Кузатувнинг 45-кунига келиб эса жараён барқарорлашгани кузатилди (ГТҚ- 18 мкн пасайган, ХХУ-1% ортган). Энг сўнгги 60-кунлик даврда ГТҚ- назорат гуруҳига нисбатан -18 мкн фарқ, ХХУ- назорат гуруҳи кўрсаткичлари атрофидалиги аниқланди.

Экспериментал гипопаратиреоз найсимон суяклар эпифизар гиалин тоғай қоплами тўқимаси хужайравий тузилмасига регрессив таъсир этиб, хондроцитлар функционал активлигини кескин пасайиб, тоғай хужайраларида кузатилган силжишлар ишонарлилиги аҳамиятсиз, шунингдек, тоғай матриксида толали тузилмаларнинг сезиларли ортиши кузатилади ($P \leq 0,001$). Айниқса, тоғай қопламаси препаратларида хондроцитларнинг ҳажм улуши Д-кальцин берилган жониворларда референс кўрсаткичларга анча яқинлашганлигини кўриш мумкин. Кузатув муддатининг давомийлиги ортишига тўғри пропорционал равишда морфометрик силжиш меъерий томонга йўналганлиги кўринади ($P \leq 0,001$). Даволаниш натижасида ушбу ўзгаришлар гиалин тоғай хужайравий миқдорида ҳамда тоғай матриксининг архитектурасида ижобий силжишни англатади (2-жадвал қаранг).

Найсимон суякларнинг диафизи суяк усти пардаси қалинлиги экспериментал гипопаратиреоз таъсирида назорат гуруҳи жониворларининг кўрсаткичларига нисбатан дастлабки 15 кунда 27,21%га, 30-кунига келиб 31,9%га, 45-куни 27,8%га ва 60 куни 21,7%га юқалашган бўлса, гипопаратиреоз ҳолатида Д-кальцин қўлланганда эса кузатув даврларида (15-60 кун) мос равишда 6,2%; 14,7%; 12,2% ва 7,1%гагина фарқ қилиши кузатилди.

Ўрганилаётган суяклар диафизидида периостнинг остеоген қаватининг қалинлиги кўрсаткичларининг силжиши экспериментал гипопаратиреозда даволанмаган каламушлар ва фармокологик коррекция қилинган 2-асосий гуруҳ жониворлари ўзаро таққосланганда кузатувнинг 15-кунида 4,7% ва 3,1%; 30-кунида 13,9% ва 11,8%; 45-кунида 8,1% ва 6,5%; 60-кунга келиб эса 7,2% ва 5,3% га фарқ аниқланган ($P < 0,001$).

Кузатувнинг мос даврларида периост остеоген қаватининг иккала асосий гуруҳ жониворларида ўзгариши динамикаси қиёсий натижалари даволаш самарадорлигининг ўртача 2,0%ни ташкил этишини кўрсатади.

Метафизда суяк усти пардаси қалинлигининг назорат гуруҳ жониворлари кўрсаткичларига нисбатан экспериментал гуруҳларда кузатувнинг 15-кунида 30,03% ва 10,13% (18,44 +1,81; 23,74+2,21), 30-куни 13,97% ва 9,05%(25,68+2,16; 27,15+2,24) 45-куни 7,74% ва 4,85% (35,45+3,00; 36,56+2,82), 60-куни 18,43% ва 10,66% (37,73+3,07; 41,32+2,24) бўлиши суяк метафизидида суяк пардасининг нисбатан юқалиги ва ЭПТ таъсирида янада камайиши ва фармокологик коррекция натижасида меъёрий кўрсаткичларга анча яқин силжишлар билан намоён бўлиши кузатилади.

Метафизда остеоген қавати қалинлиги морфометрик таҳлил қилинганда назорат гуруҳи жониворларида 15-60 кунлар динамикасида 23,46 мкм дан 42,15 мкм гача ўзгариш кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич ЭПТ да 17,94 мкм дан 35,25 мкм гача, гипокальцемия ҳолатини даволаш фонидида эса айнан шу давр мобайнида худди шу кўрсаткичлар 25,12-40,23 мкм оралиғида ўзгариши ($P < 0,001$) аниқланди.

Шундай қилиб, найсимон суяклар диафизи ва метафизидидаги суяк усти пардаси ва периостнинг остеоген қавати қалинлиги солиштирма морфометрик таҳлили шуни кўрсатдики, даставвал меъёрий жиҳатдан ҳам метафиз суяк усти пардаси дифизидидаги қараганда сезиларли қалин, ЭПТ фонидида эса ушбу фарқ сақланишига қарамасдан, кузатувнинг барча даврларида паст кўрсаткичларга эга.

Найсимон суяклар диафизи периостида остеобластлар сони таҳлили назорат гуруҳга нисбатан ЭПТ да кузатув даврлари динамикасида 15-куни 4,3%, 30-куни 32,8%, 45-куни 32,6%, 60-куни 24,5%га камайган бўлса, Д-кальцин буюрилган 3-гуруҳ жониворларида остеобластлар сони 15-куни 4,3%, 30-куни 2,7%, 60-куни 18%га фарқ қилиши, яъни референт кўрсаткичларга яқин эканлиги қайд этилди.

2-жадвал

Кузагув даврларида гипопаратиреоз таъсирида найсимон суяклар морфометрик кўрсаткичларининг динамикаси (даволаш ва даволашсиз)

Тадқиқот гуруҳлари	Кузагув кунлари	Диафизда суяк усти пардаси қалинлиги, мкм	Диафизда период остеоген қавати қалинлиги, мкм	Метафизда суяк усти пардаси қалинлиги, мкм	Метафизда остеоген қавати қалинлиги, мкм	Кўрув майдонида диафиз эндостида остеобластлар сони, дона	Диафиз периодта остеобластлар сони, дона
Назорат	15	18,45 ± 1,53	27,88 ± 2,08	26,44 ± 2,14	23,46 ± 2,04	18,16 ± 1,75	21,04 ± 1,31
	30	26,53 ± 1,94	36,54 ± 2,94	29,85 ± 2,80	28,05 ± 3,00	14,48 ± 1,24	16,49 ± 1,03
	45	30,86 ± 2,64	45,13 ± 3,86	38,42 ± 3,00	36,94 ± 3,41	10,89 ± 1,00	14,89 ± 1,00
	60	36,88 ± 2,50	58,14 ± 4,64	46,25 ± 2,96	42,15 ± 5,76	8,23 ± 0,59	12,61 ± 1,90
ГПТ	15	13,43 ± 1,03*	26,59 ± 2,05**	18,44 ± 1,81**	17,92 ± 1,53**	16,47 ± 1,52**	18,47 ± 1,48**
	30	18,06 ± 1,54**	31,48 ± 3,00**	25,68 ± 2,16**	24,40 ± 2,04*	12,89 ± 1,03**	11,09 ± 1,03**
	45	24,14 ± 1,93*	41,51 ± 4,15*	35,45 ± 3,00*	30,37 ± 3,00***	8,42 ± 0,93***	10,05 ± 1,00***
	60	28,86 ± 2,38***	53,96 ± 5,01**	37,73 ± 3,07**	35,25 ± 3,67*	5,82 ± 0,75*	9,53 ± 0,86***
ГПТ+Д	15	17,42 ± 1,43*	27,02 ± 2,11**	23,74 ± 2,21**	22,32 ± 2,42*	17,18 ± 1,19*	20,14 ± 1,24*
	30	22,62 ± 1,75*	32,23 ± 2,36**	27,15 ± 2,24*	25,12 ± 2,84**	13,26 ± 1,32*	16,12 ± 1,13**
	45	27,12 ± 2,33*	42,22 ± 2,77**	36,56 ± 2,82*	33,74 ± 3,28*	10,11 ± 1,21*	11,78 ± 1,24**
	60	34,29 ± 1,87*	55,11 ± 3,78*	41,32 ± 2,24**	40,23 ± 4,47*	7,13 ± 0,42*	10,28 ± 1,85**

Изох: * - P≤0,05, ** - P≤0,01, *** - P≤0,001 бўлганда кўрсаткичларнинг меъёрий даражалар билан ишонarli фарқи деб ҳисобланди.

Хулоса қилиб айтганда, гипопаратиреоз ҳолати найсимон суякларнинг ҳам метафизи, ҳам диафизи остеоген қаватида остеобластлар фаоллигини кескин пасайишига, айниқса диафиз периост қатламларида остеобластлар сонининг камайиб кетишига олиб келади.

Ушбу морфометрик натижалар Д-кальцин таъсирида гипопаратиреознинг салбий таъсирини камайиши ва морфологик жиҳатдан суякланиш жараёнининг изга тушишини тасдиқланганлигини ифодалайди.

Келтирилган натижаларга кўра постнатал даврда гипопаратиреоз чақирилган гуруҳлардан олинган натижалар назорат каламушлари билан таққослама тарзда ишонарлилиги баҳоланган. Соғлом каламушлардан олинган суяк бўлаклари эпифиз ва диафиз сохаларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишидаги ўзига хос тафовутлари, яъни қалқон олди беги функционал фаоллиги сусайтирилганда найсимон суяк диафизда суякланиш тасмаси ҳосил бўлиши кечикиши, хондроцитларнинг изоген гуруҳлари оралиғида тоғай гомоген зоналари минераллашган тоғай сохалари билан алмашилиб жойлашиши кузатилган. Гипопаратиреоз ҳолати оссификациянинг постнатал ривожланиши жадаллигига тормозловчи таъсир кўрсатиши, мукамал суяк архитектоникаси ва уларда суяк ёки тоғай хужайралар колониялари параметрларининг камайиши аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Постнатал онтогенезнинг дастлабки (1-3 ой) даврларида назорат жониворлар найсимон суякларида суякланиш жараёнини морфофункционал ўзгаришларини ёш динамикасига мувофиқ проксимал ва дистал метаэпифиз ҳамда апофиз ўсиш (тоғай) пластинкалари, шунингдек диафиз бўйлаб тасмасимон суякланиш жараёни кечади;

2. Экспериментал гипопаратиреоз таъсирида найсимон суякларнинг проксимал ва дистал метаэпифизларларда ўсиш зоналари пролиферация қавати хондроцитлари кўпайиши секинланшиб, юпқалашса, суяк диафизда энхондрал суякланиш компакт қавати суяк юпқалашиши билан баҳоланади;

3. Экспериментал гипопаратиреозда найсимон суякларнинг турли сегментлари дифференциаллашувининг тахлилига биноан ўсиш зоналарида тоғай қатлам кузатувнинг 60 кунда ҳам сақланиб, хусусиятини йўқотмайди. Диафизда эса энхондрал суякланиш натижасида тоғай тўқимаси динамикада алмашилиб боради. ЭГПТда эса жараён мувозанати ўсиш зоналари томон силжийди;

4. Гипопаратиреоз ҳолати Д-кальцин препарати билан фармакологик коррекция қилинган шароитда энхондрал суякланишнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари динамикада ижобий силжиши аниқланди;

5. Олинган натижалар бўйича эксперимент давомида найсимон суяклар бўйлаб ёш давлари бўйича тоғай ва суяк майдонининг ҳажм улуши динамикаси кўрсаткичлари бўйича алгоритм ва дастур яратилиб, амалга тадбиқ этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 04/30.12.2019.Тib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХИДИРОВА ГУЛЬНОЗА ОЗОДОВНА

**МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОКОСТЕНЕНИЯ
ТРУБЧАТЫХ КОСТЕЙ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ
ГИПОПАРАТИРЕОЗЕ**

14.00.02- Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1133.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Расулов Хамидулла Абдуллаевич доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Миршарапов Уткур Миршарапович Доктор медицинских наук, профессор Тешаев Шухрат Жумаевич Доктор медицинских наук, профессор
Ведущее учреждение:	Ошский государственный университет (Киргизская Республика)

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 г.)

Г.И. Шайхова

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н.

А.Б.Саидов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Врождённые и приобретённые заболевания опорно-двигательного аппарата (ОДА) одни из самых распространенных патологических состояний в мире. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... патология опорно-двигательного аппарата встречается у 75% населения мира ...». Эта цифра находится в центре внимания большинства ученых, что подтверждается рядом полученных научных результатов. В частности, этиология этих заболеваний, «...тератологические состояния на ранних стадиях развития, а также постнатальные факторы риска и посттравматические нарушения некоторых механизмов биомеханического развития»¹ рассматриваются как причинные. Несомненно, что эти факторы ведут к негативным последствиям для растущего организма в последующих этапах онтогенеза, а именно, развитие глубоких деформаций, впоследствии воздействия на функциональное и морфофункциональное состояние всего организма ведущее к развитию заболеваний опорно-двигательного аппарата и образованию косметических дефектов организма. Поэтому, предотвращение риска развития злокачественных изменений в результате изменения морфофункциональных характеристик окостенения трубчатых костей при экспериментальном гипопаратиреозе является одним из важнейших проблемных вопросов диагностики заболевания.

В мире проводится ряд научных исследований для характеристики морфофункциональных параметров окостенения трубчатых костей под влиянием гипопаратиреоза. В связи с этим, возникает необходимость научно обосновать оценку морфологических изменений костных структур у крыс, при экспериментальном гипопаратиреозе, в разные сроки наблюдения, а также степень изменения структуры остеогенных элементов и морфологические проявления изменений в костной структуре. Особое значение имеют исследования на проведение анализа морфологических и морфометрических особенностей дифференцирующегося хряща при фармакологически скорректированном гипопаратиреозе и оценивание значения клеточного состава хряща и кости в различных областях, а именно эпифизарной, метафизарной и диафизарной на интенсивность окостенения кости, а также разработывание системы оценки взаимосвязи между наблюдаемыми морфологическими изменениями и их предотвращение.

В нашей стране проводятся широкомасштабные мероприятия, направленные на развитие медицинской сферы, адаптацию фундаментальных исследований к требованиям мировых стандартов, в

¹ Buenzli P.R., Sims N.A. Quantifying the osteocyte network in the human skeleton. Bone 75: 144 –150, 2015

частности выявление и снижение распространения факторов риска патологий ОДС в растущем организме, выявление пациентов с диспластическими деформациями и устранение этих недостатков. В связи с этим поставлены такие задачи, как «...оптимизация качества и эффективности лечебно-профилактических мероприятий среди населения и использование высокотехнологичных методов при внедрении конкурентоспособных международных стандартов в области профилактики, лечения и реабилитации заболеваний...»². Одним из актуальных научных направлений в реализации этих задач является профилактика аномалий ОДА у детей и создание эффективной системы лечения, ранней диагностики и устранение морфофункциональных изменений трубчатых костей при экспериментальном гипопаратиреозе.

